

ISSN 2181-6875

**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
ILMIY AXBOROTI**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**

**SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA
STATE UNIVERSITY**

2013/4(52)

MUNDARIJA

• ANIQ VA TABIIY FANLAR

Қаҳҳоров С.Қ., Жўраев Ҳ.О., Жўраев З.Ш., Жамилов Ю.Ю. Муқобил энергия ёрдамида чиқиндилардан биомасса олиш технологияси.....1

Мирзаев Ш.М., Ражабов Б.Ҳ., Мирзаев М.С., Ибрагимов С.С. Такомиллашган парниксимон қуёш сув чуқитгичининг синов натижалари5

Убайдуллаева Ш.Р., Сариев Р.Б., Гулямов М.Р. К вопросу технологии разработки электронного учебно-методического пособия по курсу «основы системного анализа».....8

Зарипов Г.Т., Бешимов Ю.С., Акрамова О.К. Получение экологически чистой энергии. Биогаз11

Ахмедов М.Ш. Определение гидродинамического давления на стенку трубы, вызванного потоком жидкости15

Ниязов Л.Н. Тербий-иттрий феррит-гранатларида магнитли фазавий ўтишларнинг хусусиятлари.....18

Rahmonov A.A., Rasulova Z.D. Arkfunksiyalar qatnashgan tengsizliklar va ularni yechish usullari22

Назаров С.И., Адизова Ҳ.Р., Тиллоева Д.М. Полимер композицияларнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш.....26

Тураев А.С., Амонова Д.М., Шомуротов Ш.А. Исследование гидролитического расщепления гуаровой камеди..... 30

• TILSHUNOSLIK

Бушуй А.М. Англоязычное высказывание в ракурсе дейктивности34

Джумабаева Ж.Ш. Даражаланиш ҳодисаси ва градуаллик.....37

Саидов Ё.С. Жадидларнинг ўзбек лингвистик терминологиясини шакллантириш ва ривожлантиришдаги ўрни.....42

Жўраева Б.М., Жабборова Д.Ш. Ўзбек халқ мақолларида «ит» лмг ининг салбий семалари.....46

Рахматова М.М. Ўзбек лингвомаданиятида “хунуклик” концептининг лексик ифодаланиши.....51

• ADABIYOTSHUNOSLIK

Ҳайитов Ш.А. Алишер навоий ва Мавлоно Соғарий54

Вохидова Н.Н. The description of Charles Strickland's character in the novel "The moon and sixpence" by Somerset Maugham57

Ғаниева А.И. Ўзбек адабиётида диний-маърифий мотивлар талқини62

Локтева Н.М. Социально-психологическая проза Ирвина Шоу65

• NAVOIY GULSHANI

Афоқова Н.М. Ҳаёт барқарорлигининг асоси ..69

• FALSAFA VA HUQUQ

Нарзиев З.И. Ҳужвирий илм ва унинг таснифи хусусида73

Сайфуллаева Д.К., Музаффаров К.З. Жизнь и наследие теолога Абу Хамида Газали.....77

Ҳамроев С.С., Широнов А.Қ., Ҳожиев С.С. Миллий парламент мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар асоси сифатида...81

Эргашева М.З. Ўзбекистон Республикаси конституциясининг ривожланиш тарихидан: миллий-ҳуқуқий кадрлар уйғунлиги.....86

• TARIXSHUNOSLIK

Темиров Ф.У. Садриддин айнийнинг “Тарихи Амрони манғитияи Бухоро” асари муҳим тарихий манба сифатида.....91

Искандаров Ш.А. Ўзбекистонда яшовчи арабларнинг этник тарихига оид айрим мулоҳазалар.....95

Муртазова С.Б. Мустақиллик йилларида мусиқа маданиятига янги анъаналарнинг кириб келиши99

• IQTISODIYOT

Ҳамроев Ҳ.Р. Давлат сиёсати асосида эркин иқтисодий ҳудудлар яратишнинг назарий асослари.....104

Қаҳҳоров О.С., Давлатов С.С. Иқтисодчи кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш110

• PEDAGOGIKA

Қаҳҳоров С.Қ., Хушвақтов Б.Н. Касб-ҳунар коллежларида “геометрик оптика” бўлимини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш116

Тожибоева Х.М., Қодирова М.Ғ. Абу Наสร Форобийнинг педагогик қарашлари.....122

Саидов А.И. Бўлажак педагог кадрларни касбий компетентлигини оширишнинг назарий асослари.....127

Икромов А.А. Баркамол авлодни тарбиялашда ҳаракатли ўйинларнинг аҳамияти.....131

• E'OLON

“Бухоро давлат университети илмий ахбороти” журналида мақола эълон қилиш талаб ва шартлари.....136

Ҳамроев Ҳалим Розикович

БухДУ Иқтисодий таълим ва туризм кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди

ДАВЛАТ СИЁСАТИ АСОСИДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАР ЯРАТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Таянч сўзлар: иқтисодий сиёсат, саноат сиёсати, зонал сиёсат, ҳудудлаштириш, эркин иқтисодий ҳудуд.

Ключевые слова: экономическая политика, промышленная политика, зональная политика, районирование, свободная экономическая зона.

Key words: economic policy, industrial policy, zonal policy, regional policy, zoning, free economic zone.

Мақолада эркин иқтисодий ҳудудлар яратиш борасида давлат махсус сиёсат (зонал сиёсат) юрғизиши зарурлиги ва бу сиёсатнинг моҳияти очиқ берилган.

Статья посвящена вопросам создания свободных экономических зон, о необходимости особой государственной политики (зональная политика) по этим вопросам, делается попытка определения её сущности и рассматриваются инструменты этой политики.

The article is devoted to the problems of formation of free economical zones and the importance of special state policy (zonal policy) on these issues. The author attempts to define its essence and analyze the instruments of this policy.

Сиёсат бу давлат томонидан жамиятни бошқариш санъати, у ёки бу ижтимоий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган ижтимоий фаолиятдир. Иқтисодий сиёсат эса Ж.М.Кейнснинг фикрича: «... давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишдир» [3,5]. Иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим мақсади— ижтимоий йўқотишларни минимумга келтириш. Бунга эришиш учун одатий бўлиб қолган, кўп такрорланадиган ҳаракатларни тартиб билан олиб бориш зарур. Сиёсий органлар мақсадга эришиш учун вазифаларни ҳал қилишда самарали куролни танлай билишлари керак. Иқтисодий сиёсатда Ўзбекистон ҳукумати ўз имконият ва ресурсларини бир неча йўналишгагина қаратиши мақсадга мувофиқдир. Бу йўналишлар ичида зонал сиёсат, яъни эркин иқтисодий ҳудудлар яратишга қаратилган сиёсат ҳам бўлиши муҳим. Ўзбекистон каби режали иқтисодиётни бошидан кечирган ва ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти қураётган давлат учун давр талабига мос янги кишилар керак. Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, бундай янги кишиларни, шу жумладан, тадбиркорларни, раҳбарларни эркин иқтисодий

ҳудудлар(бундан кейин ЭИХ) бериши мумкин. ЭИХ фаолияти давлат сиёсати ва мамлакатдаги иқтисодий ҳолатдан мустақил равишда, бутунлай автоном ҳолда содир бўлиши мумкин эмас. ЭИХ фаолиятининг муваффақияти, фикримизча, нафақат иқтисодиётдаги умумий аҳволга ҳамда давлатнинг умумий иқтисодий сиёсатига боғлиқ, балки зонал сиёсатга ҳам боғлиқ.

Зонал сиёсат термини илмий адабиётларда жуда ҳам кам учрайди [7,136-140]. Ҳатто Россияда энг тўлиқ деб ҳисобланадиган (7000дан ортиқ термин ва тушунчани ўз ичига олувчи) иқтисодий энциклопедияда[2] ҳам зонал сиёсат термини йўқ. Ўзбекистонда ҳам бу сиёсатни ифодаловчи термин деярли ишлатилмайди. Бу эса ушбу категориянинг янгилиги ва кам ўрганилганлигидан далолат беради.

Дастлаб, ушбу сиёсатга яқин бўлган терминларга тўхталиб ўтайлик, булар қуйидагилар:

1.Регионал (ёки минтақа) сиёсат. Давлат танлаган ривожланиш стратегиясига мос мамлакат миллий маконини тартиблашга қаратилган чора-тадбир-

лардан иборат. Регионал сиёсат терминологиясида аниқ ажратилган иккита қутб- "марказ" ва "периферия" мавжуд [2,476;4,8]. Бу сиёсат мана шу қутблар ўртасидаги ҳамда қўшни территориялар ўртасидаги манфаатларни зид келиб қолиши оқибатида вужудга келадиган келишмовчиликларни юмшатишга алоҳида эътибор беради. Ўрни келса мамлакат иқтисодиётининг умумий самарадорлигига зид тарзда, компромиссга бориб у ёки бу муаммо ҳал қилиниши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодий оқилоналик ихтимой оқилоналикка бўйсунди. Зонал сиёсат эса унинг акси, яъни муаммони ҳал қилишда асосан иқтисодий оқилоналик нуқтаи назаридан ёндашилади.

2. Худудлаштириш. Бу кўпроқ географик тушунча бўлиб, яхлит бир мамлакатни нисбатан аҳамият жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган бўлақларга бўлиш тушунилади. Биз ўрганадиган категориянинг география билан алоқаси камроқ бўлиб, у асосан макроиқтисодий тушунчадир («зоналаштириш» эса «худудлаштириш»нинг синоними деб ҳисоблаш мумкин). Биз худудлаштириш терминини: микродаражада худуд яратиш жараёнида қўллашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаганмиз. Зонал сиёсат эса бошқачароқ жараёндир.

3. Саноат сиёсати. Индуриал (ёки саноат) сиёсатини эса миллий манфаатлар нуқтаи назаридан бизнес ривожини рағбатлантириш асосида иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган давлатнинг чоратadbирлари шаклида тушуниш мумкин. Бу сиёсат миллий иқтисодиётда мавжуд бўлган нисбий устунликларни реализация қилишга хизмат қилади, мамлакатда ишлаб чиқаришнинг нисбатан юқориоқ технологик усулини шаклланишига кўмаклашади. Аммо бу сиёсат ўз номи билан индустриал жамиятга характерли ёки индустриал жамият қуриш учун асқотади. Ўз эътиборини, биринчи навбатда, саноат ва бошқа индустриал тармоқларни жадал ўстиришга қаратган бўлади. Бундан ташқари, у постиндустриал жамият учун анахронизм бўлган давлат тadbиркорлигига катта ўрин

беради. Зонал сиёсат эса, бизнинг фикримизча, асосан постиндустриал жамиятнинг мевасидир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, биз "зонал" терминига тўхталдик. Бу сиёсатни номлашда энг тўғри келадиган атама - "зонал" термини деб ҳисоблаймиз.

Зонал сиёсат -- бу мамлакатда ЭИХларни яратиш бўйича ҳамда регион, тармоқ, соҳа ва алоҳида корхоналарнинг потенциални чуқур ўрганиб, ушбу потенциални реализация қилиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича давлатнинг олиб борадиган чора - тadbирлар мажмуаси бўлиб, унга мамлакатда шаклланган меҳнат тақсимотини самарали ривожланишини режалаштиришнинг бир курали, деб қараш керак. Мамлакатда мавжуд ресурсларни самарасиз ишлатилаётган соҳа, тармоқ ва регионлардан жуда самарали ишлатиб бўладиган соҳа, тармоқ, регионга оқишига кўмаклашувчи восита деб қараш зарур. Зонал сиёсат мамлакатда ЭИХлар эркин ва самарали фаолият юритиш учун умумдавлат миқёсида шароитни яратишга хизмат қиладиган сиёсатдир, бунинг учун эса, бизнинг фикримизча:

- ✦ мамлакатда ишловчан, самарали норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш зарур;
- ✦ худудлар яратишнинг умумий тамойили ва шарт-шароитларини ишлаб чиқиш керак;
- ✦ худудни ташкил этиш ва ликвидация қилиш тартибларини белгилаш керак;
- ✦ солиқ солиш ва солиқ имтиёзлари тизимини белгилаш керак;
- ✦ валюта тартибини аниқлаб бериш керак;
- ✦ ўзаро ҳисоб- китоблар тартибини белгилаш керак;
- ✦ божхона чегаралари ва тартибини белгилаб бериш керак;
- ✦ бўлиши мумкин бўлган негатив оқибатларни бартараф этишнинг иқтисодий механизминини яратиш керак;
- ✦ худудда молия - кредит сиёсатларининг тамойилларини белгилаш керак;
- ✦ хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш керак.

ЭИХларни яратиш тажрибаси шунинг кўрсатмоқдаки, уларнинг ўзига хослиги

кўплаб омиллarga боғлиқ: ташкил этиш хусусиятлари, бошқаришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий механизми жойлашган мамлакат ва регионнинг географик муҳити, ҳудуд типи, майдоннинг катта-кичиклиги ва ҳоказолар. Аммо, ЭИХнинг муваффақиятли фаолияти, биринчи навбатда давлат олиб бораётган зонал сиёсатга боғлиқ, деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари, пухта олиб бориладиган зонал сиёсат мамлакат иқтисодиётининг барқарорлашишига жуда катта ёрдам беради, хориждан катта миқдорда инвестициянинг кириб келишига имкон беради, мамлакатнинг экспорт потенциалини оширишга олиб келади.

ЭИХ яратиш мамлакатнинг иқтисодий рақобатбардошлигини оширишнинг синалган ва энг самарали қуролидир. ЭИХ - бу мамлакатнинг имижига ҳам. ЭИХлар ҳатто ёмон фаолият юритган тақдирда ҳам мамлакатни либераллашувига хизмат қилади. ЭИХга оқилона ёндашилганда, унинг фаолият юритиш механизмлари чуқур ўрганилиб, сўнгра оқилона жорий этилганда, у мамлакат иқтисодиётини сифат жиҳатдан юқорироқ даражага олиб чиқиш имконига эга. ЭИХ қайси мамлакатда, унинг қайси регионда яратилмасин, у ижтимоий лойиҳалардир. Ҳудудни яратиш нафақат ҳудуд учун кўшимча даромад келтиради, балки бутун мамлакат учун турли шаклда фойдали қайтим беради, жумладан:

- хорижий инвесторлар билан мулоқот қилишга имкон берувчи фирмаларaro коммуникацияни яратади;
- иқтисодий маданиятни, шу жумладан, тадбиркорлик маданиятини халқаро даражага кўтаради;
- ҳудудда янгича ишлаётган мутахассис кадрлар илғор тажрибани ўзлаштириб, секин – аста уни ҳудуддан ташқаридаги корхоналарга ҳам ёядилар;
- мамлакатдаги инфраструктуранинг фойдали иш коэффиценти кўтарилади;
- мамлакатда рақобат самарасини беради, яъни ҳудуддаги корхоналар ҳудуддан ташқарида жойлашган корхоналарни ўзлари билан рақобат қилишга мажбур қилади;

• “Тадбиркорлик сифати самараси” ни беради, яъни ЭИХ атрофида халқаро стандартлар таркиб топади, ривожланади (маҳсулот сифати, инфраструктура даражаси, бизнес муносабатларида, профессионал менежмент масалаларида).

Хуллас, ЭИХлар фаолияти нафақат алоҳида регион иқтисодиёти, балки бутун мамлакат иқтисодиёти тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган. Шунинг учун ҳам ЭИХлар яратиш регионал муаммо эмас, бутун мамлакатнинг муаммосидир.

Зонал сиёсатдан кўзланган мақсадлар. Бу сиёсатдан турли даражадаги давлатлар турлича мақсад қўйишлари мумкин. Ривожланган мамлакатларда зонал сиёсат юргизишдан асосий мақсад – айрим қолоқ ҳудудларни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ва шу йўл билан ишсизлар сонини камайтиришдан иборат. Зонал сиёсат ва ЭИХ яратиш иқтисодий жиҳатдан тараққий қилган бозор иқтисодиёти мамлакатларида асосан регионал сиёсат қуролидир. Бу АҚШ каби йирик мамлакатда яққол кўринади. Ривожланган мамлакатларда ЭИХлар яратишда яна бир муҳим мақсад – юқори технологияли ва илм кўп талаб қиладиган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш ҳамда кадрлар ва интеллектуал потенциалдан фойдаланиш асосида илмий ишлаб чиқаришнинг территориал тузилмаларини ривожлантириш базасида инновацияни рағбатлантиришдан иборатдир. Бунинг учун «технопарк», «технополис» шаклидаги ЭИХ қўлланилади. Халқаро молиявий муолажаларга хизмат қилиш мақсадида оффшор ҳудудлари ташкил этилади [6]. Ривожланган мамлакатлардаги зонал сиёсатни амалга оширишда: божхона тартибини либераллаштириш, депрессив районларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш орқали ишсизликни юмшатиш, ташқи савдо муносабатларида миллий товар ишлаб чиқарувчиларни ривожлантириш муҳимроқ аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатларда зонал сиёсат, асосан, қолоқ ва депрессив ҳудудларни иқтисодий жиҳатдан кўтариш ва регионал фарқларни камайтиришнинг қуроли

сифатида чиқади. Ташқи иқтисодий экспансия сифатида эса қисмангина ишлатилади.

Ривожланаётган мамлакатларда зонал сиёсатдан нисбатан бошқача мақсадлар кўзланади: хориждан капитал, илғор технологияни жалб қилиш, замонавий менежмент, маркетинг, бизнес бўйича тажрибани кўлга киритиш, иш кучини сифатини яхшилаш, валюта ишлаш каби мақсадлар устуворроқ бўлади. Ривожланаётган мамлакатларда ҳудудлар яратишдан муҳим аҳамиятга эга бўлган мақсадларга яна қуйидагиларни киритиш мумкин: экспорт ишлаб чиқариш ва импортни ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, валюта тушумларини кўпайтириш, ички бозорни озиқ-овқат ва саноат товарлари ҳамда социал-иқтисодий хизматлар билан бойитиш, қишлоқ хўжалиги инфра-структурасини ривожлантириш, туризм, дам олиш, қимор базасини ривожлантириш, илм кўп талаб қилувчи юқори технологияли ишлаб чиқаришларни рағбатлантириш кабилардан иборат. Ривожланаётган мамлакатларда зонал сиёсат асосан иқтисодий ўсиш шароитларини яратишга қаратилган бўлиб, улар мамлакатнинг умумиқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга ҳамда жаҳон хўжалигига интеграциялашувга ёрдам бериши керак. Маҳаллий ижтимоий - иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга эътибор эса иккинчи даражали роль ўйнайди.

Юқорида таъкидланганидек, ривожланган мамлакатларда зонал сиёсатга, одатда, соф регионал муаммоларни ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирлар деб қарашса, айрим ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти давлатларида зонал сиёсат (асосан, ЭИХлар яратиш) маълум муддатга (20-30 йил) мўлжалланган иқтисодий ўсишнинг асосий концепцияси бўлиб қолди (Масалан, Исроил, Жанубий Корея, Малайзия, Венгрияда). Бу мамлакатларда одатда хорижий инвестицияларни жалб қилиш усули сифатида экспортга мўлжалланган саноат ишлаб чиқариш ҳудудларини ривожлантириш тенденциясида намоён бўлади. Осиёнинг янги индустриал мамлакатларида эса

унга саноат сиёсатининг бир бўлаги деб қарашади ва у иқтисодий ўсишнинг тармоқ анклавлари (биринчи навбатда, экспорт ва илмий-техник) яратишга қаратилган. Иқтисодий тараққиёт жиҳатдан унчалик яхши ривожланмаган мамлакатлар учун зонал сиёсат хорижий капитал, илғор технология ва бошқариш тажрибасини жалб қилиш, экспортни рағбатлантириш, бандликни ошириш, кадрларни тайёрлаш, валюта ишлаш курали сифатида қаралади.

У ёки бу мамлакатда зонал сиёсатни ишлаб чиқишда шунга эътибор бериш керакки, ЭИХ қуйидаги шароитларда фаолият юрита олмайди:

- ✓ ёпиқлик, биқиклик муҳитида;
- ✓ давлатни қутилмаган тарзда, пухта ўйламасдан, оқибатини биллиб бўлмайдиган қарорлар қабул қилиш шароитида;
- ✓ макроиқтисодий қарорларни қабул қилишда профессионаллик етишмаслиги шароитида.

Ўтиш даври иқтисодиёти давлатларида зонал сиёсат кўплаб муаммоларни ҳал қилишга қаратилган бўлади [7,138]. Шунинг учун, фикримизча, зонал сиёсат давлатларда иқтисодий сиёсатининг ўта муҳим бўлган қисми ҳамда уни структура, илмий-техника, саноат, регионал сиёсатлар билан бирга олиб қараш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Айниқса зонал сиёсатнинг регионал сиёсат билан бирлиги муҳимдир. Чунки уларнинг натижаси бир-бирига тескаридек кўринади (лекин оқилона, бир-бирини тўлдирувчи сиёсат олиб борилганда жуда яхши натижа бериши мумкин). Регионал сиёсат мамлакат регионлари ўртасидаги мутаносибсизликларни, тенгсизликларни бартараф қилишга қаратилган бўлса, зонал сиёсат у ёки бу регионда иқтисодий ўсишни ва у билан моддий, молиявий, меҳнат ва бошқа ресурсларни концентрация қилишга қаратилгандир. Аммо, бу йиғиш бутун мамлакат иқтисодиётини самарали ишлашга йўл очиб бера олади. Шунинг учун ҳам бу фаолият тўла ўзини оқлайди.

Зонал сиёсатни олиб боришда яна шуни эсдан чиқармаслик керакки, ЭИХлар

яратиш бутун мамлакат учун оммавий ҳодиса бўла олмайди. Мамлакатнинг катта қисмида бирданига қўшма тадбиркорликка таяниб, хорижий инвестициялардан фойдаланиб иш олиб бориб бўлмайди. Шунинг учун ЭИХлар яратишда айрим, иложи борича жуда кичик территорияларни олиш керак. ЭИХларни яратишда бу ҳудудни ривожлантириш бўйича давлат органларининг тасдиқланган дастури бўлиши керак. Бунда ҳудуднинг ривож мамлакат манфаати нуқтаи назаридан белгиланиши зарур, кўрсатилиши мумкин бўлган ёрдам (капитал маблағлар, субсидиялар ва б.) аниқланган бўлиши зарур. Имтиёзлар берилаётганда уни олувчи объект аниқланиши керак (ишлаб чиқарувчи оладими, ҳуқуқий шахс оладими, товарга бериладими..). Марказий ҳукуматга биркитилган ҳуқуқлардан қай бири регион, ҳудуд, алоҳида корхонага берилиши ҳам аниқланиши керак (биринчи навбатда, молиявий масалаларда, хўжалик юритиш масалаларида, ҳатто қонунчилик масалаларида ҳам).

Зонал сиёсатни юргизишда қуйида-гини ҳам ҳисобга олиш керак: ЭИХ ўз табиатига кўра сиёсий ёки маъмурий эмас, балки иқтисодий тузилмадир. У республиканинг территориал субъектларидаги хўжалик тизимига тенглаштирилмаслиги керак. Шунинг учун сиёсий-маъмурий, этник ёки бошқа нуқтаи назардан эмас, балки иқтисодий омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳудуднинг чегараси ва жойлашган ўрнини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Муҳими шундаки, агар мамлакатда зонал сиёсатолиб борилмаса, ҳаёт талаби билан ЭИХлар стихияли тарзда пайдо бўлиши мумкин. Стихияли пайдо бўлган ЭИХ яширин бозорни ва у билан боғлиқ ҳолда кўплаб негатив ҳолатларни келтириб чиқариши ва кучайтириши мумкин, жумладан, хом ашё товарларни ноқонуний йўл билан олиб кетиш ва наркобизнес марказига айланиб кетиши мумкин. У ёки бу майдонда (ёхуд тармоқда) тадбиркорлик капитали учун оз бўлса ҳам имтиёзли тартиб яратилса (шунга эриша олса), ҳар қандай

территория ҳам ЭИХга айланади. Тошкент шаҳрида халқ ўртасида "Ипподром" номи билан машҳур кийим-кечак бозори ҳамда Хоразм вилоятининг Хазорасп туманида стихиялар тарзда ўзига хос "эркин савдо ҳудудлари", Бухоро вилоятининг Ғиждувон шаҳрининг бозори атрофида "эркин саноат ишлаб чиқариш ҳудуди" ташкил топгандесак, хато бўлмайди. Аммо, улар давлат аралашувисиз таркиб топган ва уларни давлат томонидан тартиблаб, цивилизациялашган, асосан қонуний тарзда фаолият юритувчи ҳудудга айлантириш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда сти-хияли таркиб топаётган бу каби ЭИХларни легаллаштириш мақсадга мувофиқдир. Хорижий валютани савдо қилишга ихтисослашган бозор республикамизда қонун бўйича йўқ деб айтилади-ю, аммо, республиканинг ҳар бир йирик бозорида нолегал тарзда валюта бозори фаолият юритади. Худди шу сингари Ўзбекистонда ЭИХ йўқ деган билан, у йўқолиб қолмайди. Фикримизча, давр, иқтисодиёт тақозоси ва талаби билан у ёки бу жойда барибир стихияли тарзда ЭИХ шаклланиб бораверади. Бизнинг вазифамиз эса янги шаклланиб келаётган бозор тизими ҳалокатли, хавфли бўлиши мумкин бўлган бозор стихиясига ташлаб қўйиш керак эмас, балки мақсадли ва онгли қуриш керак, шу жумладан, ЭИХларни уни легаллаштириб, тўғри йўлга солишимиз зарур. Бунинг учун эса оқилона зонал сиёсат керак.

Зонал сиёсатнинг вазифалари. Зонал сиёсатнинг бош вазифаси – жамиятни, шу жумладан, иқтисодиётни либераллаштириш жараёнини қайси тармоқда, қайси соҳа ва регионда қай тарзда, суръатда ва йўсинда олиб боришни аниқлашдан иборат. Чунки жуда мураккаб жараён бўлган либерал-лаштириш бир акт билан, ҳамма жойда ва соҳада бир тарзда боради, деб ўйлаш утопиядир. Бундан ташқари, кейинги бир неча минг йиллар давомида тоталитар муҳитда яшаган кишилар осонгина эркинликни қабул қилади, деб ўйлаш ҳам утопиядир. Шунинг учун ҳам миллатда бу жараённи стихияли тарзда содир бўлмаслиги учун


пухта ўйланган чора-тадбирлар тизимига, яъни зонал сиёсатга эга бўлиши керак. Ўзбекистон каби собиқ социалистик мамлакатларга келадиган бўлсак, бу жамиятлар нафақат узоқ вақт тоталитар тизимда яшаган, балки тоталитаризмнинг ёмон кўринишларидан бири бўлган социализмни бошидан кечирган. Унинг оқибатида эркинлик инстинктлари анча сусайиб қолган. Шунинг учун жамиятни, шу жумладан, иқтисодийни либераллаштириш осонлик билан, силлиқина, қаршиликсиз, курашсиз кечмайди. Жамият ҳаётини либераллаштиришда синалган қурол – ЭИХ бўлганлиги учун, бу қуролни ишлашига шароит яратиш, унинг ижобий ютуқларини бутун жамиятга тарқатиш, мамлакатнинг қайси ҳудудидида, қайси соҳа ва тармоғида либераллаштиришнинг қай бир унсурини киритишни аниқлаш зонал сиёсатнинг вазифаларидан ҳисобланади.

Зонал сиёсатнинг муҳим вазифаларидан яна бири мамлакатнинг умумий инвестицион муҳитини борган сари яхшилаб боришдан, хориждан инвесторлар қизиқиб, манфаатдор бўлиб келадиган даражада жозибадор қилишдан иборат. Бунда яна шуни унутмаслик керакки, ҳозирги даврда кўплаб давлатлар хориждан инвестиция овлаш илмида ўзида қулай инвестиция муҳит яратиш устида ишлашади. Жаҳон бозорида бу масалада рақобат анча кескин тус олмоқда. Зонал сиёсатнинг

муҳим вазифаларидан яна бири ЭИХ учун локал инвестицион муҳитни яратиш ҳисобланади. Албатта, бу локал инвестицион муҳит мамлакатнинг умумий инвестицион муҳитидан анча қулай бўлиши керак. ЭИХларнинг пайдо бўлиш сабаблари, ташкил этишнинг асосий белгилари, уларнинг фаолиятида маҳаллий ва марказий давлат органларнинг роли кабиларни аниқлаб бериш ҳам зонал сиёсатнинг вазифаларига киради.

ЭИХлар жаҳонда жуда тез тарқалаётганлиги натижасида у махсус товарга айланиб бормоқда. Бу товарни реализацияси эса ҳар қандай товар сингари талаб ва таклиф динамикасига боғлиқ. Бунда инвестициялаш тўғрисида қарор қабул қилиш жараёнида инвестор билан ҳудуд манфаатларининг келишуви жуда муҳим аҳамият касб этади. Қарор қабул қилиш ёки қилмаслик у ёки бу ЭИХнинг тақдирини, ҳудуд фаолиятининг муваффақияти ёки муваффақиятсизлигини охир-оқибат белгилайди. Шу боис зонал сиёсатнинг кейинги муҳим вазифаси мамлакатда мавжуд ЭИХларнинг мамлакат ичида ва мамлакатдан ташқарида яхши номга эга бўлиши учун қайгуриши, яъни уларнинг имижини сақлаб туриш ва кўтариш устида бош қотириши керак. ЭИХнинг имижини эса, бизнинг фикримизча, қуйидаги чизмада санаб ўтилган омилларга боғлиқ:

ЭИХни имижини белгилловчи омиллар



Де
шту
мавж
учун
бори

1. Але
2. Бол
3. Бун
4. Гани
5. Кейн
6. Сем
7. Смор
8. Соли

2003. - 53

Қаҳҳоров
БухДУ Иқт
Давлатов
БухДУ Иқт

И

Таянч сўз
иқтисодий
жаҳон андо
Ключевые
население, э
модель, моде
Key words: r
reforms, econ
textbook.

Мақолада
тайёрлаш
тайёрлашда,
этишнинг ўзи

В статье р
реформ в Уз
подготовки ка
реформировани

Демак, давлатнинг зонал сиёсат билан шуғулланадиган идоралари мамлакатдаги мавжуд ЭИХларнинг имижини яхшилаш учун шу борада доимий равишда иш олиб боришлари керак.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ЭИХларни яратиш мамлакат миллий ривожланиш стратегиясининг муҳим таркибий қисми бўлиши ҳамда пухта ўйланган зонал сиёсат ишлаб чиқиши керак.

АДАБИЁТЛАР

1. Алексеев С.С. Власть и экономика. Радикальная экономическая реформа: истоки, проблемы, решения. - М., 1999.
2. Большая экономическая энциклопедия. - М.:Эксмо, 2007.- 816с.
3. Бункина М.К., Семенова А.М., Семенов В.А. Макроэкономика: Учебник. - 3-е изд. - М.: Дело и сервис, 2000.- 512с.
4. Ганиев Б., Ахмедов Т. Актуальность региональной политики в республике Узбекистан. //Ж: Экономическое обозрение, 2005. № 1, стр. 26-30.
5. Кейнс Ж.М. Общая теория занятости, процента и денег. - М., 1999. - 352с.
6. Семенов Г. Развитие свободных экономических и оффшорных зон. //Ж: Росс. Экон. журн. 1995. №11, стр.34-44
7. Смородинская Н., Капустин А. Свободные экономические зоны: мировой опыт и перспективы. //Ж: Вопросы экономики. - 1994. №12.-126-141с.
8. Солиев А.С., Ахмедов Э.А. ва бошқ. Минтақавий иқтисодиёт.- Т.: Университет, 2003. - 53 б.

Қаҳҳоров Отабек Сиддиқович
БухДУ Иқтисодиёт кафедраси мустақил изланувчиси
Давлатов Сухроб Сайитжонович
БухДУ Иқтисодиёт кафедраси мустақил изланувчиси

ИҚТИСОДЧИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Таянч сўзлар: кадрлар тайёрлаш, таълим ислоҳоти, аҳоли бандлиги, иш ҳақи, иқтисодий ислоҳотлар, иқтисодиёт тармоқлари, ўзбек модели, модернизациялаш, жаҳон андозалари, замонавий дарслик.
Ключевые слова: подготовка кадров, реформирование образования, занятость населения, заработная плата, экономические реформы, отрасли экономики, узбекская модель, модернизация, мировые стандарты, современный учебник.
Key words: personnel training, education reform, business of population, wages, economic reforms, economic sector, the uzbek model, modernization, the world standards, modern textbook.

Мақолада Ўзбекистон таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, иқтисодчи кадрларни тайёрлашда, шунингдек, иқтисодчи кадрларни иш билан таъминлашни ислоҳ этишининг ўзига хос кўринишлари ва хусусиятлари кўриб чиқилган.

В статье рассмотрены своеобразные стороны и особенности осуществлённых реформ в Узбекистане в сфере образования, в совершенствовании системы подготовки кадров, в том числе подготовки экономических кадров, а также реформирования обеспечения экономических кадров рабочими местами.